

"ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ: ГЕЛЬМИНТОЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИДАГИ ЎРНИ"

Турганбаева Г.К,

Абдукахарова М.Ф

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети,

Эпидемиология Кафедраси

Паразитар касалликлар кўплаб давлатларда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий муаммолардан бири бўлиб бормоқда. Замонавий эпидемиологик муаммолар, масалан, глобализация, миграция, иқлим ўзгаришлари ва атроф-муҳитга антропоген таъсирлар ушбу касалликларнинг тарқалиши ва динамикасига ўзгартиришлар киритмоқда. Бу омиллар паразитар касалликларни ўрганишни долзарб қилади, чунки улар жамоат саломатлиги ва давлатларнинг иқтисодий ривожланишига муҳим таъсир кўрсатади.

Гельминтозлар инсон ва ҳайвонлар саломатлиги ва фаровонлиги учун жиддий салбий оқибатларга олиб келадиган муҳим ва кўп учрайдиган атроф-муҳитни ифлослантирувчи омиллардир. Шу боисдан, паразитозларнинг профилактикаси ва турли ҳудудларида санитария-паразитологик мониторинг олиб бориш билан боғлиқ масалалар долзарб бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишда санитария-паразитология назорати муҳим роль ўйнайди, чунки у паразитар касалликлар давомида эпидемик жараённинг фаолиятини баҳолаш, касалликни юқтириш механизминини аниқлаш, шунингдек, инсоннинг яшаш муҳити объектини соғломлаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш имконини беради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, тупроқ орқали юқадиган гельминтозлар дунёда энг кенг ва кўп тарқалган инвазиялардан ҳисобланади ва ҳисоб-китобларга кўра, улар 1,5 миллиард одамни, яъни дунё аҳолисининг 24%ини зарарлайди. Гельминтозлар, айниқса, тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаган ва санитария-гигиена шароитлари паст бўлган, қашшоқ ва ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли гуруҳлари ўртасида кўпроқ кузатилади. Ушбу инвазиялар тропик ва субтропик ҳудудларда, Африкада Сахарадан жанубда жойлашган давлатларда, Хитойда, Жанубий Америка ва Осиёда кенг тарқалган.

Интенсив тарқалишга эга бўлган ҳудудларда 260 миллиондан ортиқ мактабгача ёшдаги болалар, 654 миллиондан ортиқ мактаб ёшига етган болалар, 108 миллиондан ортиқ қизлар ва 138,8 миллиондан ортиқ ҳомиладор ва эмизувчи аёллар, уларнинг барчаси даволаш муолажалари олишга муҳтож.

Ушбу маълумотлар, паразитар инвазиялар ҳақидаги умумий тушунчани янада аниқлаштириб, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Гельминтозлар бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишлари ва тадбиқ этиладиган профилактика чора-тадбирлар ушбу муаммони ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида паразитар касалликлар бўйича 2019 йилда 203 410 ҳолат қайд этилган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 111 430 ҳолатга камайган. Республика аҳолиси орасида гельминтозлар билан зарарланганлар сони 2,3% ёки 126 158 кишини ташкил этган.

Гельминтозлар патологиясининг аҳамияти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Бош директори томонидан айтилагани каби, Бутунжаҳон банки экспертлари баҳолаши билан тўлиқ мос келади. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсониятга барча касалликлар ва жароҳатлар билан етказиладиган зиён сабабларидан аввалги муҳим сабаблардан тўртинчи ўринда ичак гельминтозлари туради, улар ҳар йили 24 миллион инсон ҳаётини йўқотишга сабаб бўлади. Паразитар касалликлар болаларнинг физик ва психик ривожланишини кечиктиради, катталарнинг меҳнат қobiliятини пасайтиради. Бемор болаларнинг мактабда дарсни ўзлаштириш кўрсаткичларини пасайтириши кузатилади. Аёлларда паразитар касалликлар натижасида жинсий касалликлар ва кўпинча ҳомиладорлик муаммолари келиб чиқади, эркакларда эса импотенция ва бепуштлиқ ҳосил бўлиши мумкин.

Замонавий дунёда паразитар касалликлар иммун тизими фаолият пасайишининг энг кенг тарқалган омили ҳисобланади. Паразитар патологиялар болаларнинг ривожланишини кечиктириб, катталарнинг меҳнат қobiliятини пасайтиради ва жинсий саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида ижтимоий ва иқтисодий зарарлар юзага чиқади. Шунингдек, паразитар инвазиялар иммун тизимини сусайтиради ва вакцинация профилактикасининг самарадорлигини камайтиради.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш учун профилактика, даволаш ва санитария-эпидемиология мониторингини кучайтириш зарур. Паразитар касалликларга қарши самарали курашиш учун бутун жамият ва давлатлар ҳамкорликни кучайтиришлари, янги тадбирлар ва стратегияларни ишлаб чиқишлари керак.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Khamzaeva, N. T., & Saidkasimova, N. S. (2023). The effectiveness of a new food substance-a hard gelatin capsule-«vizion junior» is being studied in children who have recovered from the coronavirus. *world Bulletin of Public Health*, 20, 41-45.
2. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., Saidkasimova, N. S., Toshboev, B. Y., & Khamzaeva, N. T. (2020). SCIENTIFIC, METHODOLOGICAL AND ORGANIZATIONAL BASES OF MANAGEMENT OF THE EPIDEMIC PROCESS IN

CASE OF SALMONELLOUS INFECTION IN UZBEKISTAN. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 2020(3), 5-14.

3. Saidkasimova, N. S., Mirtazaev, O. M., Matnazarova, G. S., Toshbaev, B. Y., & Khatamov, A. H. (2021). Epidemiological and Epizootological Characteristics of Salmonellosis and Improvement of Their Epidemiological Control. *JournalNX*, 610-618.

4. Saidkasimova, N. S., Matnazarova, G. S., & Mirtazayev, O. M. (2018). Some epidemiological patterns of salmonellosis in Uzbekistan. *Biology and Medical problems*, 4, 95-96.

5. Tajibayeva, D. A., Saidkasimova, N. S., & Xamzayeva, N. T. (2025). O 'tkir yuqumli ichak infeksiyalari epidemiologik xususiyatlari va ularning epidemiologik nazoratini takomillashtirish (qoraqolpog 'iston respublikasi misolida).

6. Saidkasimova, N. S., & Mirtazaev, O. M. (2020). Epidemic Process of Salmonellosis in Tashkent. *Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology*, 14(4).

7. Миртазаев, О. М., Саидкасимова, Н. С., Матназарова, Г. С., & Хатамов, А. (2022). характеристика проявления эпидемического процесса сальмонеллёза. *Results of National Scientific Research International Journal*, 1(2), 18-31.

8. Миртазаев, О. М., Матназарова, Г. С., & Магзумов, Х. Б. (2023). ЗООНОЗНЫЙ САЛЬМОНЕЛЛЁЗ-БОЛЕЗНЬ ЦИВИЛИЗАЦИИ. «МИКРОБИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ, 132.

9. Sattarova, N. A., Mirtazaev, O. M., & Saidkasimova, N. S. (2009). Modern problems of epidemiological process of Salmonellosis in Uzbekistan. *Вестник Санкт-Петербургской государственной медицинской академии им. ИИ Мечникова*, (2), 193-194.

10. Khamzaeva, N., Matnazarova, G., & Saidkasimova, N. (2024). CORONAVIRUS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN DURING 2020-2024 RETROSPECTIVE EPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF THE DISEASE (TASHKENT CITY AS AN EXAMPLE). *Collection of scientific papers «SCIENTIA»*, (October 25, 2024; Antwerp, Belgium), 258-260.

11. Mirtazayev, O. M., & Saidkasimova, N. S. (2016). Modern aspects of the epidemiology of salmonellosis in the Republic of Uzbekistan. *Infection, Immunity, Pharmacology*, (7), 103-106.

12. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., & Saidkasimova, N. S. (2019). Scientific, methodological and organizational bases of management of the epidemic process in case of salmonellosis infection in Uzbekistan. *Central Asian Journal of Medicine*, 4, 72-80.

13. Саттарова, Н. А., Миртазаев, О. М., Камилов, Д. Ю., Аглиулина, С., & Якубова, Ф. (2011). Характеристика эпидемического процесса сальмонеллезов в г. Ташкенте. Ташкент. *Вестник ТМА*, 2, 102-104.

14. Абдугопуров, Э., Саидкасимова, Н., & Мавлянов, Д. (2025). Сел ва сув тошқинлари натижасида юзага келувчи эпидемиологик вазиятларда юқумли касалликларнинг аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш. *Наука и инновации в интересах национального и глобального развития*, 1(1), 68-79.
15. Саидкасимова, Н. С., Миртазаев, О. М., & Миртазаева, Н. А. (2020). Социальные факторы, влияющие на заболеваемость сальмонеллезом в Узбекистане. In *Школа эпидемиологов: теоретические и прикладные аспекты эпидемиологии* (pp. 63-65).
16. Хамзаева, Н. Т., Матназарова, Г. С., Саидкасимова, Н. С., & Абдукаххарова, М. Ф. (2024). ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 2020-2023 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА КОРОНАВИРУС COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.
17. Matnazarova, G. S., Xamzaeva, N. T., Saidkasimova, N. S., Kurbanliyazova, M. O., & Madenbayeva, G. I. (2024). TOSHKENT SHAHRIDA 5-11 YOShDAGI BOLALARDA COVID-19 INFEKSIYASINING OLDINI OLISHDA BNT162B2 (Pfizer-BioNTech) VAKSINASINING SAMARADORLIGI.
18. Саидкасимова, Н. С., Матназарова, Г. С., Хамзаева, Н. Т., & Жуманиязова, М. К. (2024). ПРОЯВЛЕНИЕ ЭПИДЕМИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА САЛЬМОНЕЛЛЕЗНОЙ ИНФЕКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ.
19. Кенжаева, М. А., Матназарова, Г. С., Саидкасимова, Н. С., & НТ, Х. (2024). Оценка современных эпидемиологических особенностей шигеллёза.
20. Gulbaxor, M., & Nargiza, S. (2024). EPIDEMIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE INCIDENCE OF SHIGELLOSIS IN THE CITY OF TASHKENT. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 1(2), 65-71.